



Марказий ва Жанубий Осиё: ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МУШТАРАКЛИКДАН УМУМИЙ ФАРОВОН КЕЛАЖАК САРИ



Тошкент шаҳрида 16 июль куни “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири, Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг ташқи ишлар вазирлари, жами 44 та мамлакат ва 30 га яқин халқаро ташкилот делегациялари, нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев очиб, Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги тарихий яқинлик, уни бугунги кунда ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида мустақамлашнинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлади. Марказий ва Жанубий Осиё азалдан бир-бирининг маданиятини бойитган. Буюк ипак йўли ва бошқа йўл-

лар орқали маҳсулотлар, билим, ҳунар ва қадриятлар тарқалган. Кўпинча бу минтақалар яхлит давлат таркибида ҳам бўлган. Бақтрия ва Кушон империяси, Турк хоқонлиги, Ҳазнавийлар, Темурийлар ва Бобурийлар давлати бунга яққол мисолдир.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ: МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК. ТАҲДИДЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!
Қадрли меҳмонлар!
Авваламбор, “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференциясининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан самимий қўлайман.
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларига Форумни қўллаб-қувватлаганлари учун алоҳида раҳмат айтмоқчиман.
Бугунги даврамизда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани Жаноби Олийларини ҳамда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон Жаноби Олийларини кўриб турганимдан хурсандман ва уларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.
Фурсатдан фойдаланиб, анжуманимизда бевосита қатнашаётган, асосий ҳамкор давлатларнинг ташқи ишлар ва-

зирлари ва юқори мартабали вакиллари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жаҳоннинг етакчи молия институтлари раҳбарларига ҳам ташаккур билдираман.
Мураккаб пандемия шароитига қарамасдан, сиз, азиятларнинг Форумимиздаги иштирокингиз икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган юксак эътибор ҳамда қатъий интилишингизни яққол тасдиқлайди.
Саховатли ва серкуёш Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!
Ҳурматли анжуман иштирокчилари!
Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий ва Жанубий Осиё узоқ асрлар давомида халқлар ва цивилизациялар ўртасида фаол мулоқотга хизмат қилди.
Икки минтақанинг ўзаро яқин ҳамкорлиги натижасида янги билим ва фалсафий қарашлар, тиббиёт ва астрономия, жўғрофия ва математика, геодезия ва

меъморчилик, дипломатия санъати ва давлат бошқаруви соҳасидаги ютуқлар, юксак маданий ва маънавий-маърифий қадриятлар кенг ёйилди.
Минтақаларимиз халқлари бир неча бор умумий давлатчилик тузилмалари таркибида, шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар маконда ўзаро ҳамжиҳатликда умр кечирганлар.
Ушбу ҳудудда вужудга келган Хараппа цивилизацияси, Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоҳлиги, Турк хоқонлиги, Хуросон ва Мовароуннаҳр, Ҳазнавийлар, Темурийлар, Бобурийлар ва бошқа давлатлар инсоният тарихида чуқур из қолдирган.
Марказий ва Жанубий Осиё азалдан ишончли савдо йўллари билан боғланиб, Яқин Шарқ, Европа ва Хитой мамлакатлари учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган.
Бу ҳақда қадимги юнон тарихчиси Страбон ҳам ўз асарларида Окс дарёси — ҳозирги Амударё бўйлаб “Каспий ва

Қора денгиз орқали Европага маҳсулотлар етказилган”ини қайд этган.
Эрамиздан аввалги учинчи-иккинчи минг йилликлардаёқ Хайбар ва Болан довонлари орқали ўтган савдо йўллари тармоғи бизларни ўзаро боғлаб турган.
Марказий ва Жанубий Осиёда ислом, буддавийлик, ҳиндуйлик динлари ва турли халқларнинг ноёб аънаналари тарқалиши тўғрисида буюк этномаданий муштараклик қарор топган, Шарқнинг бой ва ранг-баранг маданияти шаклланган.
Халқларимиз ўртасидаги ана шундай ўзаро қалин алоқалар жадал интеллектуал ва маърифий юксалишни таъминлади.
Бу жараён дунёга Чарака ва Сушрута, Брахмагупта ва Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний ва Форобий, Беруний, Ибн Сино сингари яна кўплаб етуқ олим ва мутафаккирларни етказиб берди.
Улар инсоният илмий ва фалсафий тафаккурининг бўлғуси ривожини бир

неча аср олдиндан белгилаб бердилар.
Миллий адабиётларимиз мумтоз намояндаларининг номлари бутун дунёга маълум ва машҳурдир.
Бу биринчи навбатда Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад Ҳайдар, Махтумқули, Мирзо Ғолиб, Абай, Рабиндранат Тагор, Садриддин Айний, Чингиз Айтматов ижодига дахлдордир.
Улар ўлмас асарлари билан жаҳон халқлари ўртасида тинчлик, озодлик ва инсонпарварлик тамойилларини, дўстлик ва ўзаро ишонч ғояларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар.
Буюк олимлар — Абу Райхон Беруний ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари тарихи, илм-фани ва маданиятининг чинакам энциклопедиясидир.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 июль куни “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган хорижий мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари, ҳукуматлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Европа комиссияси вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррел билан мулоқотда қўл қирғали Ўзбекистон — ЕИ ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.
Жозеп Боррел давлатимиз раҳбарига Европа кенгаши Раиси Шарль Мишель ва Европа комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйеннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди ҳамда Ўзбекистон етакчилигининг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқ-

лигини мустаҳкамлаш борасидаги глобал ташаббуси муҳим аҳамиятга эга ва ўз вақтида илгари сурилаётганини таъкидлади.
Учрашувда кейинги йилларда Ўзбекистон ва ЕИ шериклиги жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Қўл қирғали ҳамкорлигини, энг аввало инсон капитали ва демократик янгиланишлар, бизнес, инвестиция ва инновацияларни илгари суриш, “яшил” тараққиёт, экология, маданий алмашинув ва бошқа йўналишларда янада

кенгайтириш муҳим экани таъкидланди. Ўзбекистон ва Евроиттифок ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битим бўйича музокара-лар якунига етаётгани маълум қилинди.
Халқаро кун тартиби юзасидан ҳам батафсил фикр алмашилди. Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.
Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.
Икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва қўл қирғали ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Халқнинг бунёдкорлик қудрати жўш урган ҳозирги замонда Учинчи Ренессанснинг илмий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатнинг ислом цивилизациясини ривожлантириш борасидаги ролини янада ошириш ҳамда буюк алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини миллий ва халқаро миқёсда оммалаштириш мақсадида:
1. Вазирлар Маҳкамаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Фанлар академияси,

Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Маданият вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини (кейинги ўринларда — Марказ):
“Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” ғоясини кенг тарғиб қилувчи; мамлакат тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўргатувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи; моддий маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қа-

димий ва бой аънаналарни тарғиб қилувчи илмий-маърифий масканга айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.
2. Қуйидагилар Марказнинг янгиланган асосий вазифалари этиб белгилансин:
муқаддас ислом дини билан боғлиқ бой меросни илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожигаги ўрнини инновацион усуллар орқали тарғиб қилиш;

Давоми 4-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ: МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК. ТАҲДИДЛАР ВА ИМКОНияТЛАР” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавахарлаъл Нерунинг Бобур ҳақидаги “у дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори”, деган таърифи кўпчиликка яхши маълум.

Хусусан, Бобур ўзининг фундаментал асари “Бобурнома”да қайд этганидек, “ўн олтинчи асрда Афғонистон ҳудуди орқали Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасида турли моллар ортилган минглаб туялардан иборат қарвонларнинг мунтазам қатновлари йўлга қўйилган”.

Унинг фармонида биноан савдо йўллари бўйлаб қарвонсаройлар, қудуқ ва сардобалар бунёд этилган.

Бобурнинг набираси — Буюк Акбар-шоҳ ҳам бобосининг ишларини давом эттирган ҳолда, Ҳиндистон тарихида бағрикенг ва узоқни кўра биладиган ҳукмдор сифатида ёрқин эл қолдирган.

Таъкидлаш жоизки, ўша вақтларда Марказий ва Жанубий Осиёнинг савдо алоқалари Эрон, Арабистон, Усмонийлар давлати, Хитой, Россия сингари бошқа мамлакатлар билан ҳам фаол олиб борилган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ҳиндистон ҳукмдори Аврангзеб 1695 йилда рус савдогари Семён Меленькойга мамлакатда савдо қилиш учун рухсатнома беради. Мазкур фармон эски ўзбек тилида ёзилган диққатга сазовордир.

Афсуски, тарихий вазият тақозоси билан ўн тўққизинчи асрда икки қўшни минтақанинг алоқалари узилиб қолди.

Ўзаро зиддиятлар кучайиб, кескин можароларга айланиши тўғйили Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида тўсиқлар пайдо бўлиб, чегаралар ёпилди.

Ҳамкорлик ва бир-бирини англаш даври тугаб, унинг ўрнини қарама-қаршилик ҳамда ишонсизлик муҳити эгаллади.

Бунинг салбий оқибатларини биз ҳозирги вақтда самарали трансчегаравий йўллар мавжуд эмаслиги, савдо-иқтисодий алоқалар яхши ривожланмагани ҳамда маданий-гуманитар муносабатлар салоҳияти тўлиқ ишга солинмагани ми-солида ҳам сезиб, ҳис этиб турибмиз.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида мужассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди.

Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллилард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда.

Ўлаймани, халқларимизнинг улкан тарихий, илмий, маданий-маърифий мероси ҳамда иқтисодиётларимизнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд интеллектуал салоҳиятни, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни ўзаро мувофиқлаштириш вақти келди.

Бу эса, ҳеч шубҳасиз, ўзининг қудратли таъсир кучини намоён этади.

Биз ўзаро боғлиқлик, ҳамкорлик, мулоқот ва энг асосийси, ишонч изчил ва барқарор ривожланиш, минтақаларимиз аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини оширишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланишига аминмиз.

Бундай ёндашув — давр талабидир.

Буларнинг барчаси бир томондан, зиддият ва ижтимоий-иқтисодий парзалардан холи бўлган минтақалараро ҳамкорлик ва шериклик майдонини, иккинчи томондан, маҳсулотлар, хизматлар, инвестиция ва инновацияларнинг кенг бозори шаклланиши учун зарур шароитларни яратлади.

Биз ушбу халқро конференцияни ўтказиш ташаббусини илгари сурар эканмиз, қуйидаги омиллардан келиб чиққаннимизни таъкидлашни истар эдим.

Биринчидан, қўшни мамлакатлар билан тинчлик ва дўстлик, ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, конструктив сиёсат олиб бориш Марказий ва Жанубий Осиёдаги барча давлатларнинг умумий манфаатларига жавоб беради.

Иккинчидан, биз мамлакатларимиз ва минтақанинг узоқ муддатли истиқболи, келгуси ривожланишининг асосий драйвери бўлиб хизмат қиладиган барқарор савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация алоқаларини шакллантириш тарафдоримиз.

Пандемия инсоният дуч келаётган янги таҳдидларни кучларимизни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқалигина енгиш мумкинлигини кўрсатди.

Биз ўзаро ҳамкорликни иқтисодиётни рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантириш ва инновацияларни кенг жорий этиш орқали мустаҳкамлашга объектив эҳтиёж сезмоқдамиз.

Учинчидан, Афғонистон Ислом Республикаси Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлигини амалда таъминлашнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади.

Ишонамизки, минтақавий шериклигимиз ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, унинг иқтисодий тикланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бугун Афғонистон ўзининг энг янги тарихидаги муҳим бурилиш даврини бошдан кечирмоқда.

Биз донишманд афғон халқи умуммиллий муросага эришиш йўлида ўзаро келишувларга тайёр эканини намойиш этишига аминмиз.

Афғон заминиди кўпдан буён қутилаётган тинчликка эришиш учун можорани сиёсий йўл билан ҳал этиш ва бу жараён халқро ҳамжамият томонидан ҳар тарафлама кўллаб-қувватланиши принципал муҳим аҳамиятга эга.

Бу Афғонистоннинг умумминтақавий жараёнларга интеграцияси учун янги истиқболлар эшигини очади.

Тўртинчидан, хавфсизлик ва барқарорлик — минтақаларимизнинг изчил ривожланиши ва ўзаро алоқаларимиз мустаҳкамланишининг асосий шартидир.

Бизнинг хавфсизлигимиз бўли-масдир ва уни фақат конструктив мулоқот ҳамда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз орқали таъминлаш мумкин.

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги фаол ва очиқ мулоқот улкан савдо-иқтисодий ва маданий-цивилизацион салоҳиятимизни тўлиқ рўёбга чиқариш учун бекиёс имкониятлар яратишига ишончим комил.

Шу муносабат билан қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман.

Биринчи. Бизнинг устувор вази-фамиз савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро сармояларни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Маҳсулот ва хизматлар ҳамда инвестицияларнинг эркин ҳаракати учун транспорт-коммуникация ва энергетика инфратузилмаларини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш ушбу масалалар ечимига амалий ҳисса қўшган бўлур эди.

Бунинг учун ота-боболаримиз мажлис ва қурултойлар, лойя жирга, васи мушаварат ва сабха каби ийғинларда тўпланганларидек, биз ҳам мамлакатларимиз ўртасида долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун инвестициявий ҳамкорлик ва кооперацияни чуқурлаштириш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича йиллик минтақалараро форум ўтказишни таклиф этамиз.

Бундай мулоқотлар доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар янги иш ўринларини яратиш, иқтисодиётларимиз салоҳиятини ривожлантириш ва уларнинг барқарор ўсишини таъминлашга қаратилган аниқ дастур ва лойиҳаларни уйғунлаштириш имкониятини беради.

Шунингдек, минтақаларимиз давлатлари ўртасида кўп томонлама Иқтисодий ҳамкорлик битимини тузиш масаласини кўшма экспертлик таҳлилидан ўтказишга доир ташаббусни илгари сурамиз.

Иккинчи. Марказий ва Жанубий Осиёда замонавий, самарадор ва хавфсиз транспорт-логистика инфратузилмасини яратиш.

Термиз — Мозори Шариф — Кобул

— Пешовар темир йўл тармоғи минтақаларимиз ўртасидаги ўзаро боғлиқлик архитектурасининг асосий бўғинига айланиши керак.

Ушбу лойиҳа етакчи халқро молия институтлари томонидан ҳам фаол кўллаб-қувватланмоқда.

Бу темир йўл тармоғининг қурилиши ҳар икки минтақанинг транзит салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, Жанубий Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасида Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудуди орқали ўтадиган энг қисқа йўлни очиш, шу билан бирга, юklarнинг туриб қолиши ва ташиш муддатларини сезиларли даражада қисқартиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу трансчегаравий темир йўлни фойдаланишга топшириш Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг инклюзив иқтисодий ривожини мустаҳкам замин яратади.

Мазкур темир йўл тармоғи Ҳинд-Ганг текислигини Таксила, Гандара, Термиз сингари тарихий шахарлар орқали Евроосиёнинг жанубий ҳудуди билан боғланган, Уттарапалта номи билан маълум қадимги шимолий савдо йўлининг ўзига хос замонавий шакли бўлади.

Ҳиндистонни Марказий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган “Шимол — Жануб” транспорт коридори мана шундай трансминтақавий инфратузилмани ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишнинг ёрқин намунаси-дир.

Бундан ташқари, Трансафғон темир йўл қурилиши лойиҳаси келгусида мамлакатларимизни Хитой ва Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа етакчи давлатлари билан боғлаши мумкин. Бу эса “Бир макон, бир йўл” ташаббуси мақсадлари билан ҳам уйғундир.

Учинчи. Истиқболли рақамли платформаларни жорий этиш Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини иқтисодий ривожлантиришнинг локомотивига айланиши даркор.

Савдо, транзит, чегаралардан ўтиш борасида рақамли ҳамкорликни кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва Қўшма ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиш зарур.

Бу жараёнга мамлакатларимиз ва БМТнинг ихтисослашган тузилмалари етакчи экспертларини кенг жалб этиш муҳимдир.

Тўртинчи. Бепоен минтақаларимиз ҳудудида ҳамкорликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлларини излаш.

Сўнгги вақтда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи жадал ўсиб бораётгани, дунёнинг баъзи минтақаларида аҳоли кескин озиқ-овқат тақчиллигини бошидан кечираётгани кузатилмоқда.

Бундай таҳдидларни бартараф этиш бўйича Дастур ишлаб чиқиш учун БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) шафелигида мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашувини ўтказишни таклиф этамиз.

Мазкур ҳужжат ишлаб чиқариш кооперацияларига оид лойиҳаларни амалга ошириш, илғор технологияларни татбиқ этиш, қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ва тегишли тадқиқотлар ўтказиш каби вазифаларни назарда тутиши зарур.

Бешинчи. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда кучларни бирлаштириш.

Биз терроризм, экстремизм, трансмиллий, хусусан, кибермакондаги жиноятчиликка қарши фақат биргаликда самарали кураш олиб боришимиз мумкин.

Бу борада дастлабки қадам сифатида БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси иштирокида Гиёҳвандликка қарши қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Кучларни бирлаштириш зарур бўлган асосий йўналишлардан яна бири — терроризм хавфига қарши кураш, деб ҳисоблаймиз.

Биз ушбу масалалар бўйича икки минтақа вакиллари иштирокида махсус экспертлик учрашувини ташкил этишга тайёриймиз.

Бу мулоқотни жорий йил ноябрь ойида БМТнинг Марказий Осиёда глобал

терроризмга қарши стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинганининг ўн йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказиладиган халқро конференция доирасида уюштириш ҳам мумкин.

Олтинчи. “Яшил” иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш ва экология масалалари алоҳида эътиборни талаб этади.

Марказий ва Жанубий Осиёнинг барча мамлакатларида жадал саноат ва демографик ўсиш жараёни глобал иқлим ўзгаришлари шароитида юз бермоқда.

Бундай вазиятда сув ресурслари тақчиллиги, атроф-муҳит ва атмосферанинг ифлосланиши, тупроқ қатламининг емирилиши ва чўлланиш барчамизга дахлдор муаммолар ҳисобланади.

Тобора умумбашарий тус олиб бораётган Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият экологик таҳдидларнинг ўта салбий таъсирига яққол мисол бўла олади.

Бу фожианинг оқибатларини юмшатиш, келгусида инсониятни бундай офатлардан огоҳ этиш учун барча чораларни кўришимиз керак. Бу борада табиат билан уйғун бўлишга интилиб яшаган аждодларимизнинг тажрибасига таянишимиз зарур.

Еттинчи. Биз Марказий ва Жанубий Осиёнинг улкан сайёҳлик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш тарафдоримиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, машҳур сайёҳлик брендларини, янги ва қулай сайёҳлик маҳсулотлари ва йўналишларини, жумладан, қизиқиш тобора ортиб бораётган “зиёрат туризми”ни ривожлантириш, вакцинация бўйича ўзаро тан олинган сертификатлар асосида “Янги шароитдаги туризм” концепциясини кенг жорий этиш зарур.

Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти доирасида Марказий ва Жанубий Осиё бўйича халқларимизнинг тарихий ва маданий меросини оммалаштиришга қаратилган Дастур ишлаб чиқишни таклиф қиламиз.

Саккизинчи. Илмий ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда, Термиз шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида “Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий мероси” мавзусида халқро форум ўтказишни таклиф этамиз.

Мамлакатларимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларни жалб этган ҳолда, таълим ва илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида қўшма дастурларни амалга ошириш устувор аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар — бизнинг бебаҳо бойлигимиз эканини барчамиз яхши англаймиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг тақдири ва келажаги — айнан ёш авлоднинг қандай таълим ва тарбия олиши, улар учун қандай шарт-шароит ва “социал лифт”ларни яратиб беришимизга бевоесита боғлиқ.

Ёшлар масаласида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида доимий фаолият юритадиган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ёшлари кенгашини тузишни таклиф қиламан.

Тўққизинчи. Бугунги кунда илм-фан, технология ва инновациялар соҳасида юксак марраларга эришиш мамлакатларимизнинг жадал ривожини йўлидаги муҳим омил ҳисобланади.

Биргаликда қўшма тадқиқотлар ва инновацион ишларни олиб бориш, илмий ва ўқув стажировкаларини, тажриба алмашуш дастурларини рағбатлантириш зарур.

Шу муносабат билан Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг олим ва тадқиқотчилари учун соддалаштирилган виза тартибини жорий этиш, шунингдек, университетлар ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича онлайн-платформа яратишни таклиф этамиз.

Унинчи. Минтақаларимизнинг ўзаро боғлиқлиги ва тараққиёти суръатини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида чуқур ўйланган қарорлар қабул қилиш

ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Мазкур Форум арафасида Тошкентда Марказий Осиё халқро институти очилди.

Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ушбу таҳлил маркази қошида мамлакатларимизнинг таниқли олимлари, тадқиқотчи ва таҳлилчиларидан иборат Экспертлар кенгашини тузишни таклиф қиламиз.

Бундан ташқари, бугунги конференция яқунлари бўйича **Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида, умуман, Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида махсус резолюция лойиҳасини ишлаб чиқиб, БМТ Бош Ассамблеясига тақдим этишни таклиф қиламан.**

Ушбу ҳужжатда мулоқотларимизнинг умумий ёндашувлари, асосий тамойил ва йўналишларини акс эттириш лозим.

Резолюция лойиҳасида бизнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий боғлиқлиги бўйича юқори даражадаги доимий форумларни мунтазам ўтказиб боришга тайёрлигимизни акс эттириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ушбу жараёнларда мамлакатимизнинг тутган ўрни ҳақида сўз юритиб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидламоқчиман.

Бизнинг бугунги анжуманимиз янги Ўзбекистоннинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ муҳим тарихий даврга бўлиб ўтмоқда.

Биз жамиятимизнинг барча соҳаларида тизимли ва туб демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга оширмоқдамиз.

Бу ўзгаришлар кенг кўламли ва ортга қайтмайдиган муқаррар тус олди. Бу — халқимизнинг принципаал танловидир.

Марказий Осиё минтақасида — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган туб ўзгаришлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий ютуғидир.

Умумий саъй-ҳаракатларимиз натижасида минтақамизда ўзаро ишонч ва бир-бирини кўллаб-қувватлаш руҳига асосланган мутлақо янги муҳит шаклланди.

Биз ривожланиш драйверлари ҳамда “янги ўсиш нуқталари”ни биргаликда аниқлаш ва мунтазам мулоқотлар учун самарали майдон яратдик. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини август ойи бошида Туркменистонда ўтказишни режалаштирганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга доимо тайёр бўлган ишончли ва барқарор, қатъий позицияга эга шерикдир.**

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Азиз меҳмонлар!

Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажақни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратади.

Ўзаро алоқаларни ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамламасдан туриб, бугунги кунда мамлакатларимиз дуч келаётган хавф-хатар ва таҳдидларни енгиб бўлмаслигини чуқур англаш вақти келди.

Биз фаровонлик ва тараққиётга эришиш йўлида биргаликда ривожланиш истиқболлари бўйича ахлит ёндашувларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Бизнинг олдимизда Марказий ва Жанубий Осиё, умуман, бутун Евроосиё минтақасини барқарор, иқтисодий ривожланган фаровон ҳудудга айлантириш вазифаси турибди.

Анжуманимизнинг барча иштирокчиларига самарали фаолият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАЎБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Ташки ишлар вазири давлатимиз раҳбари-га Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг зғгу тилақларини етказди.

Бўлажак олий даражадаги саммитга тайёр-гарлик қўриш, қўшма дастур ва лойиҳаларни, энг аввало савдо-иқтисодий ва маданий гуманитар соҳаларда илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистондаги вазият кескинлашши шароитида минтакавий ҳамкорлиқни ривожланти-риш масаласи қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Субраманьям Жайшанкарни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклиг ва қўп қиррали ҳамкорлик му-носабатлари олий даражадаги мунтазам мулоқот-лар давомида эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Вазир Жайшанкар Ўзбекистон етакчисига Ҳин-дистон Бош вазири Нарендра Модининг саломи ва самимий тилақларини етказди.

Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўр-тасидаги боғлиқлиқни, шунингдек, Афғонистонда тинчликка эришиш ва ушбу мамлакат иқтисоди-ётини тиклашга қаратилган минтакавий лойиҳа-ларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатла-ри юксак баҳоланди.

Учрашувда икки мамлакат ҳудудларини фаол жалб қилган ҳолда инвестициялар, инновация-лар, савдо, бизнес, логистика, ахборот технологи-ялари, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор йўна-лишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Мамлакатларимиз “Ҳиндистон — Марказий Осиё” форматидagi самарали мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор экани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеубердини қабул қилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муноса-батларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб ма-салалари муҳокама қилинди.

Ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди дав-латимиз раҳбарига Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Биринчи Президенти — Элбоси Нурсултон Назарбоевнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Бўлажак олий даражадаги тadbирларга тайёр-гарлик қўриш, шунингдек, икки мамлакат ўртаси-даги иқтисодий кооперация лойиҳалари ва Ўзаро манфаатли ҳамкорлик дастурларини илгари су-ришга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистондаги вазиятдан келиб чиқиб мин-тақа кун тартибидagi масалалар ҳамда август ойининг бошида Туркменистонда ўтказиладиган навбатдаги Марказий Осиё мамлакатлари етакчи-ларининг Маслаҳат учрашувига тайёргарлик ма-саласи қўриб чиқилди.

Марказий ва Жанубий Осиё: ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МУШТАРАКЛИКДАН УМУМИЙ ФАРОВОН КЕЛАЖАК САРИ

Бошланиши 1-бетда

Афсуски, XIX асрга келиб бундай яқинлик ва боғлиқликка путур етди. Че-гаралар пайдо бўлиб, ҳамкорлик ўрни-ни турли қарама-қаршilik, ишонсиз-лик эгаллади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида та-рихий алоқаларни тиклаш муҳимлиги-ни, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш фурсати келганини таъкидлади.

— Бугун дунё ҳам таҳдидлар, ҳам янги имкониятларни ўзида тутган гло-бал геосийсий трансформациялар даврига қадам босди. Бундай шароит-да 2 милларддан зиёд одам яшаётган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида-ги алоқаларнинг қайта тикланиши яна-да муҳим ва объектив жараёнга айла-ниб бормоқда.

Халқларимизнинг улкан тарихий, ил-мий ва маънавий-маданий меросидан, иқтисодиётларимизнинг бир-бирини тўлдириб туришидан, интеллектуал са-лоҳият борлигидан келиб чиқиб, бирга-ликдаги саъй-ҳаракатларни бирлашти-риш фурсати келди, деб ўйлашни ва бу, шубҳасиз, катта манфаат келтирди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳақиқатан ҳам, тинчлик, яхши қўш-ничилик ва ишончининг мустаҳкамла-ниши, ҳамкорлиқнинг ривожланиши, очик ва амалий сиёсат йўлга қўйили-ши Марказий ва Жанубий Осиёдаги барча давлатларнинг манфаатига тўғри келади.

Президентимиз нутқида шу мақсад-ларга қаратилган муҳим ташаббуслар-ни илгари сурди.

Аввало, савдо-иқтисодий ҳамкор-лиқнинг устувор экани таъкидланиб, бу соҳадаги долзарб масалаларни муҳо-кама қилиш, кооперация ва инвести-циявий алоқаларни кенгайтириш учун ҳар йили минтақалараро форум ўтказиш тақлифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё билан Жанубий Осиёни самарали ва хавфсиз боғлайдиган транспорт-логи-

Президент Шавкат Мирзиёев Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар туфай-ли қўп қиррали Ўзбекистон — Туркманистон яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатла-ри изчил мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Рашид Мередов давлатимиз раҳбарига Турк-манистон Президенти Гурбангули Бердимухаме-довнинг саломи ва самимий тилақларини етказди. Ўзбекистон етакчисининг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини ривожлантириш борасидаги ташаббуслари юксак баҳоланди.

Икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорлиқ-ни янада кенгайтириш масалалари қўриб чиқил-ди. Қўшма ҳукуматлараро комиссиянинг навбат-даги ййғилишини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди. Жорий йилнинг 6 август куни “Аваза” миллий туризм зонасида ўтказиладиган Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди.

Афғонистонда қарор топаётган мураккаб вази-ят юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирохиддин Мухриддинни қабул қилди.

Жорий йилнинг 11-12 июнь кунлари Тожикист-онга амалга оширилган олий даражадаги тари-хий ташрифининг самарали натижалари юқори баҳоланди, улар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаб, аниқ мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Ташқи ишлар вазири Сирохиддин Мухриддин давлатимиз раҳбари Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг биродарлик саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда қабул қилинган “йўл харитаси” асо-сида иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги усту-вор лойиҳаларни ва маданий-гуманитар алма-шнув дастурларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Минтакавий аҳамиятга молик долзарб маса-лалар — Афғонистондаги вазият ҳамда Марка-зий Осиё мамлакатлари етакчилари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларига тайёргарлик қўриб чиқилди.

Президентимиз Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ақилбек Жапаровни қабул қилди.

Икки томонлама ва минтакавий ҳамкорлик ма-салалари юзасидан фикр алмашилди.

Ақилбек Жапаров Ўзбекистон етакчисига Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг са-ломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Жорий йил март ойида ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Қирғизистон саммитида эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амал-га ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транс-порт ва логистика соҳаларидаги устувор коопе-рация лойиҳаларини тез фурсатда амалга ошириш,

қўшма инвестиция компанияси фаолиятини таш-кил этиш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўглини қабул қилди.

Учрашувда қўп қиррали Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия билан муносабат-ларнинг самарали ва жадал руҳини мамнуният билан қайд этди. Икки мамлакат етакчиларининг мунтазам мулоқоти дўстлик ва стратегик шерик-лик ришталарини мустаҳкамлаш, икки томонлама ҳамкорлиқни аниқ мазмун билан бойитишга хиз-мат қилмоқда.

Мавлуд Чавушўғли Ўзбекистон Президентига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаниннг саломи ва самимий тилақларини етказди.

Учрашувда олий даражадаги Стратегик ҳам-корлик кенгашнинг иккинчи ййғилишига тайёргар-лик қўриш ва уни ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақа кун тартиби, шу жумладан, Афғонис-тондаги вазият юзасидан батафсил фикр алма-шилди.

Ушбу мамлакатда мустаҳкам тинчликка эри-шиш ва унинг иқтисодиётини тиклаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳим экани таъкид-ланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабис-тони Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фархон Ол Саудни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама алоқалар жадал ривожланаётгани — ўзаро мулоқот фаол-лашиб, илк йирик инвестиция лойиҳалари, энг аввало энергетика соҳасидаги лойиҳалар илгари сурилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Вазир Файсал бин Фархон Ўзбекистон етакчи-сига Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг самимий саломи ва эзгу тилақларини етказди ҳамда Саудия Арабистонига расмий ташриф билан келиш тақлифини яна бир бор тасдиқлади.

Саудия томони Ўзбекистон Президентининг Марказий ва Жанубий Осиё минтакавий боғлиқ-лигини кучайтириш борасидаги ўз вақтида ил-гари сурилган муҳим халқаро ташаббусларини, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишга қўрсатилаётган ҳар томонла-ма қўмакни юксак баҳолаши ва қўллаб-қувватла-шини таъкидланди.

Учрашувда амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш истиқболларинг, бўлажак олий даражадаги му-лоқотларнинг кун тартибини бойитиш, Ўзбекис-тон — Саудия муносабатларини сифат жиҳатидан юксак даражага кўтариш мақсадида янги лойиҳа ва тadbирларни тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Кувайт Давлатининг ташқи ишлар вазири, Вазирлар Маҳкамаси ишла-ри бўйича давлат вазири шайх Аҳмад Носир ал-Мухаммад ас-Сабоҳни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги аънаваний дўстона муносабатларни янада мус-таҳкамлаш муҳим эканини таъкидлади. Кувайт

ташқи сиёсий идораси раҳбарининг ушбу ташри-фи мулоқот ва алмашинувларнинг фаоллашиши-га хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Кувайт ташқи ишлар вазири Ўзбекистон етак-чисига Кувайт Амири Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг самимий саломи ва энг эзгу тилақ-ларини етказди ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Учрашувда амалий ҳамкорлиқни, энг аввало савдо, инвестиция ва инновациялар, молия, озиқ-овқат хавфсизлиги, ахборот технологиялари, таъ-лим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайти-риш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги ййғилишини ўтказиш ҳамда диплома-тик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги до-ирасида қўшма тadbирлар дастурини тайёрлашга келишиб олинди.

Халқаро ва минтакавий аҳамиятга молик ма-салалар юзасидан конструктив руҳда фикр алма-шилди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Республика-си Бош вазирининг ўринбосари Шахин Мустафоев билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш, мамла-катларимизнинг аънаваний яқин ва дўстона му-носабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шахин Мустафоев давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг сами-мий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Сўхбат чоғида икки томонлама амалий ҳам-корлиқни кенгайтириш, энг аввало савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика лойиҳа-ларини илгари суриш ҳамда маданий-гуманитар алмашнув дастурларини амалга ошириш маса-лаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги саммитга тайёргар-лик доирасида Ҳукуматлараро комиссия ва Иш-билармонлар кенгашнинг навбатдаги ййғилиш-ларини ўтказиш, биринчи Ҳудудлараро форумни ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президен-тининг маслаҳатчиси Элизабет Шервуд-Рэндалл бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Икки томонлама кун тартибининг долзарб жиҳатлари ва халқаро сиёсат масалалари қўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик ва қўп қир-рали ҳамкорлик муносабатлари жадал суръат билан ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Элизабет Шервуд-Рэндалл Ўзбекистон Пре-зидентига АҚШ Президенти Жозеф Байденнинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди. Президентимизнинг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини мустаҳкамлаш борасидаги та-шаббуслари АҚШ маъмурияти томонидан юксак баҳоланаётгани таъкидланди.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг сувере-

нитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича олиб борилаёт-ган ислохотлар, Марказий Осиёда ишонч, яхши қўшничилик ва шериклиқни мустаҳкамлаш бораси-даги саъй-ҳаракатлар қатъий қўллаб-қувватланди.

Учрашувда конструктив сиёсий мулоқотни давом эттириш масалалари, шунингдек, икки то-монлама ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари, шу жумладан, пандемияга қарши ку-рашиш ва аҳолини эмлаш, АҚШнинг етакчи ко-мпания ва банклари иштирокида қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш муҳокама қилинди.

Афғонистонда юзага келган вазият юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Президентимиз БМТ Бош котиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи коти-би Ольга Алгаєровани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари БМТ институтлари билан кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган шериклик жадал ривожланиб бора-ётганини мамнуният билан қайд этди. Ташкилот мамлакатимиздаги ислохотларга қўмаклашаётга-ни учун миннатдорлик билдирилди.

Ольга Алгаєрова Ўзбекистон Президентига БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва юксак ҳурмат-эҳтиром сўзларини етказди.

Мамлакатимизнинг глобал майдондаги нуфу-зи ортиб бораётгани, халқаро ҳамжамият Ўзе-бекистон етакчисининг, шу жумладан, Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини кучайтириш бўйича ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлаётгани таъ-кидланди.

Ижрочи котиб Оролбўйини экологик инновация-лар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қи-лиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолю-цияси қабул қилинганини ҳамда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари учун БМТ Махсус комиссиясидаги (СПЕКА) раислигини юксак баҳо-лади.

Учрашувда Ўзбекистон ва ЕИК ўртасида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва пандемия оқибатларини енгиб ўтиш борасида, жумладан, иқтисодиёт, савдо ва транспорт, ин-новациялар, экология ва бошқа соҳалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш ис-тиқболлари муҳокама қилинди.

Бангладеш Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Абул Калом Абдул Мўмин билан учра-шувда икки томонлама ҳамкорлиқни ривожланти-риш ва минтақа кун тартибидagi масалалар юза-сидан фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазири Бангладеш Президенти Абдул Ҳамид ва Бош вазири Шайх Ҳасина Вазед-нинг самимий саломини етказди.

Ўзбекистон Президентининг Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари боғлиқлигини ривож-лантириш борасидаги ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Алмашинувларни фаоллаштириш, савдо-иқти-содий ва маданий-гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш орқали амалий ҳамкорлиқни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ: САМАРҚАНД ВА БУХОРОНИ КЎРИШ ОРЗУИМ ЭДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан юртимизга расмий ташриф билан келган Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Имрон Хон 16 июль куни Самарқанд ва Бухорода бўлди.

Олий мартабали меҳмонга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳамроҳлик қилди. Покистон Бош вазири Самарқанд билан танишувни Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Куръон тиловат қилиниб, буюк аллома ёд этилди.

Ислom оламида муҳаддислар султони, деб эъзозланидиган Имом Бухорий меросини ўр-ганаш ва кенг тарғиб этиш, бу зот номи билан боғлиқ масканни обод этиш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берилди.

Имрон Хон Амир Темур макбараси, Ре-гистон мажмуаси, Мирзо Улугбек музейи ва расадхонасини бориб кўрди.

Олий мартабали меҳмонга мазкур обида-ларнинг бунёд этилиш тарихи, буюк жаҳон-гир Амир Темур ва темурийларнинг давлат-чилик аънаналари, илм-фан ва маданият ҳомиёси сифатида амалга оширган ишлари ҳақида маълумот берилди.

Регистон майдонидаги Тиллакори мадра-сасида намойиш этилган миллий хунарманд-чилик маҳсулотлари, бу ишни давом этти-риш келаётган уста-хунармандларнинг иши Имрон Хонда катта таассурот қолдирди.

Покистон Бош вазири ёшлигидан Са-марқанд ва Бухорони қўришни орзу қилгани, Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларини кат-та қизиқиш билан ўрганганини алоҳида қайд этди.

— Самарқанд ҳақида, Амир Темур ва темурийлар давлати, уларнинг бунёдкор-лик ишлари ҳақида китобларда ўқиганим учун бироз тасаввурга эга эдим. Бугун ке-либ кўрдимки, Самарқанд мен ўйлаганим-дан ҳам тарихий, гузал ва муқаддас шаҳар экан. Унинг ҳар бир гўшасида тарихнинг, буюк аждодларнингиз ақлу заковати, мада-ниятининг изи бор. Ўзбекистонга ташрифим ана шундай унутилмас таассуротларга бой бўлаётганидан хурсандман. Биз Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқа-ларини мустаҳкамлашга интиляпмиз ва бу бошланиши. Келгусида алоқаларимиз кенг

қўламда, изчил давом этишига ишонаман, — деди Имрон Хон.

Маълумки, Покистонда Ўзбекистонни, унинг жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўш-ган буюк мутафаккирлари, хусусан, Нақш-бандия тарикати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг яхши билишлари. Шу боис ҳар бир покистонлик Бухоронинг муқад-дас жойларини қўришни орзу қилади.

Покистон Бош вазири Баҳоуддин Нақш-банд макбарасини зиёрат қилди.

Меҳмонлар мажмуада олиб борилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди.

Имрон Хон Бухоро шаҳридаги Пойи Калон мажмуасида бўлди.

Калон минораси ва масжиди XII ва XVI асрлар оралиғида бунёд этилган. Бу обида-лар Мир Араб мадрасаси билан уйғунлашиб, гузал ансамбль ҳосил қилган. Уларнинг меъ-морий ечим ажодларимиз маданияти ва санъатнинг яққол ифодаси сифатида бугун ҳам барчани ҳайратга солиб келмоқда.

Меҳмонлар Мир Араб мадрасаси билан танишди. Шунингдек, мамлакатимиздаги энг қадимий ва йирик жоме масжидларидан бири бўлган Масжиди Калонни зиёрат қилди. Олий мартабали меҳмон Бухоро шаҳри-нинг тарихий қисмида зардўзлик, заргарлик, гиламдўзлик, каштачилик, қулолчилик маҳ-сулотлари гулғамаси билан танишди, Лаби ҳовуз ва унинг атрофида жойлашган обида-ларни томоша қилди.

Қадимий шаҳарнинг бетакор қиёфаси, меъморий обидалари, халқимизнинг бебаҳо урф-одатлари Покистон делегациясида кат-та қизиқиш уйғотди.

Шу билан Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунига етди.

Ғолиб ҲАСАНОВ, Зариф КОМИЛОВ, ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонда юз берган умум-миллий юксалишлар, тарихий ренессансларнинг илдиэлари ва мазмун-моҳиятини мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларга етказиш бўйича зарур чораларни қўриш;

буюк аждодларнинг жаҳон тамаддуни, диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини энг замонавий усуллар ва воситалар орқали ёритиб бориш;

ёшларни илм-маърифатга даъват этадиган, миллийлик ва динийлик ўртасидаги уйғунлик моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган медиа маҳсулотлар, илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш;

зиёрат туризмининг илмий асослари бўйича етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини тизимли ошириб боришни таъминлаш;

илм-фаннинг жадал тараққиётини қўрсатиб бېрувчи сермазмун экспонатлар фонди, кўлёзма ва замонавий нашрлардан иборат бой кутубхоналар тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг жаҳон музейлари ва кутубхоналари тармоғига улаишини таъминлаш;

Ўзбекистон халқининг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси бўйича фундаментал тадқиқотлар дастурлари ва илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш;

ислом цивилизациясини тадқиқ этиш соҳасининг долзарб илмий-назарий ва услубий масалаларига бағишланган конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ва илмий мазрузалар, семинар-тренингллар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни доимий ташкил этиб бориш;

ислом цивилизациясини йўналишида амалга оширилган янги тадқиқотлар натижаларидан илмий жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, республика музейлари ва кутубхоналарида ишлаётган ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш бўйича илмий-амалий ва услубий тренингларни йўлга қўйиш;

ислом тарихи ва маданияти йўналишига оид билимларни ошириш, қадимий кўлёзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш, қозғ, китобат, муқова-созлик, хаттотлик санъатини тиклаш, ислом манбаларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

“Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” ғоясининг мазмун-моҳиятини, жумладан, унинг илм-фан ривожини, динларо ва миллатларо бағрикенгликни таъминлашдаги роли ва аҳамиятини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш.

3. Жаҳон илм-фани тараққиёти ва цивилизациясига ҳисса қўшган аждодлар илмий меросини тадқиқ этиш ҳамда янги юксалиш даврида-

ги ютуқларини тарғиб қилиш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда тегишли вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари шахсан масъул этиб белгилансин.

4. Марказ хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистондаги Ислам цивилизациясини марказини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Марказ директори Жамғарма маблагларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

5. Қўйидагилар:

а) Жамғарма маблагларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблаглари; хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблаглари ва грантлари;

ҳомийлик хайриялари; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблаглари сарфланмаган йўналишлар этиб белгилансин:

илмий адабиётларни яратиш, чоп этиш, ноёб асарлар ва ҳужжатларни харид қилиш орқали Марказ китоб фондини кенгайтириш;

илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратиш;

ижтимоий, илмий, маънавий ва маърифий тадбирларни ташкил этиш; кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш;

Марказ фаолияти учун зарур бўлган мультимедиа ва тармоқ қўрилмалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш, Марказ фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

Марказ икки ой муддатда Жамғарма маблагларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Марказ хузурида Самарқанд қозғи, муқовасозлик ва хаттотликнинг қадимий анъаналарини тиклаш бўйича устахона-лаборатория (кейинги ўринларда — Лаборатория) ташкил этилсин ва Лаборатория томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовларининг асосий йўналишлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки: Лабораторияни ташкил этиш, айрим асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техни-

ка воситалари, бутловчи материаллар билан таъминлаш ва уларни ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблаглари, халқаро молия институтилари ва ташкилотларининг техник кўмак маблаглари (грантлари) ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Лаборатория фаолиятига соҳада етарли даражадаги билим ва иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар Марказ томонидан фуқаролик-хукуқий шартномалар асосида жалб қилинади ва уларнинг ҳонорари (иш ҳақи) Жамғарма ҳисобидан туланади;

Лаборатория томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовлари натижаларини, жумладан, Самарқанд қозғи, муқовасозлик ва хаттотлик санъати ижодий маҳсулини реализация қилишдан тушган маблаглар Марказ ва Лаборатория фаолиятини ривожлантиришга сарфланади.

7. Марказ музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини шакллантириш, аҳолидан харид қилинадиган кўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар, экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича экспертлик комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) тузилсин ҳамда унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ Фанлар академияси, Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Комиссия фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низоми лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Марказ ва Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти тарихий ёзма манбаларини марказлашган ҳолда сақлаш, тадқиқ этиш, уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича масъул давлат муассасалари этиб белгилансин.

Марказ бир ой муддатда давлат тасарруфидagi барча музей, кутубхона, архив фондлари ва бошқа давлат муассасаларидаги қадимий кўлёзма ва тошбосма манбалар рўйхатини шакллантирсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

Марказ томонидан тақдим этилган рўйхат асосида тарихий ёзма манбаларнинг босқичма-босқич Марказ тасарруфига ўтказилиши бўйича чораларни кўрсин;

ислом цивилизацияси ва зиёрат туризмининг илмий асослари бўйича етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ислам цивилизацияси ва зиёрат туризми йўналишида гид-экскурсоводларни етиштириш бўйича Марказ хузурида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этсин;

қўйиш мақсадида Ислам цивилизацияси ва зиёрат туризми йўналишида гид-экскурсоводларни етиштириш бўйича Марказ хузурида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этсин;

Марказни юқори малакали, чуқур билим ва амалий иш тажрибасига эга кадрлар билан тўлдирish чораларини кўрсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар:

Марказ таркибидаги кутубхона, архив ҳамда музейда сақланаётган кўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмаларни рақамлаштириш чораларини кўрсин;

рақамлаштирилган барча маълумотларни ўзида акс эттирувчи мобил иловани ишга туширсин ва аҳоли орасида унинг кенг тарғиботини амалга оширсин;

Марказ расмий веб-сайти, маълумотлар базаси ва мобил илова ўрта-сида маълумотлар алмашинуви интеграциясини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин.

12. Марказ ва унинг таркибий бўлинмалари Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй манзилидаги Ўзбекистон халқаро ислом академиясини биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Молия вазирлиги мазкур қарорга асосан жорий йилда қўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш ишлари учун 2021 йилги Давлат бюджетни параметрлари доирасида маблаглар ажратилишини, 2022 йилдан бошлаб эса келгуси йилларда амалга ошириши белгиланган вазифалар учун Давлат бюджетни параметрларида зарур маблагларнинг назарда тутилишини таъминласин.

14. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этиш, тегишли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А.Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Ш.Миноваров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 16 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида Ёшлар ишлари агентлиги ва агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарларининг Президентимизнинг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисида Ёшлар ишлари агентлиги ташкил қилингани ва тўлақонли фаолият юритаётгани ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари мавжудлиги таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, бугунги кунда беш муҳим ташаббус доирасида 800 дан ортиқ маданият марказида турли йўналишдаги 4,5 мингдан зиёд тўғарак фаолияти йўлга қўйилган, улар зарур музика асбоблари ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

2021 йилнинг ўтган даврида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 8 минг 394 нафар 18 йилдан 24 миллиард 966 миллион сўм субсидия ажратилди. Жорий йилнинг майдан бошлаб “Ёшлар дафтари” билан ишлаш бўйича махсус электрон платформа ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди. Мазкур платформада 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган жами 6 миллион 320 минг 876 нафар ёшга доир маълумотлар базаси шакллантирилди.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар билан ишлашни соддалаштиришда электрон платформа ягона маълумотлар базаси вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳудудий ва маҳаллий ҳокимликлар, туман (шаҳар) сектор раҳбарлари учун беминнат кўмакчи вазифасини ўтамоқда. Уни қўллаш натижасида тизим орқали ахборот-маълумот алмашишда ортиқча қозғибозликча чек қўйилди ва бугунги кунга қадар 236 минг 698 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтари”дан чиқарилди.

Раёсат мажлисида Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Президентининг юқорида зикр этилган фармони бажарилишини ташкил қилишда қўрилган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги қайд этилди.

Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаевга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Сариевга ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришда самарадорлик қатъий назоратга олинмагани кўрсатиб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосари М.Жуманов белгиланган вазифаларни бажаришда интизом-

сизлиги учун огоҳлантирилди. Маълумки, Ўзбекистон Президентини 2021 йил 30 июнь кунини Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Форумда давлатимиз раҳбари соҳадаги қатор муҳим масалаларга тўхталиб ўтди. Форумнинг ёшлар сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишига ишонч уйғотган аҳамиятли жиҳати шунда бўлдики, давлатимиз раҳбари томонидан келгусида ёшлар билан ишлашни ташкил қилишда қўйидаги устувор дастурий вазифалар белгилан берилди. Хусусан:

ҳар ўқув йили якуни билан битирувчилар бандлигини таъминлашга оид дастурлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди;

мактаб битирувчисига аттестат беришда қамлида битта қасб ёки хунарни эгаллаш мажбурий қоида бўлади;

пахта ва ғалладан бўшаган майдонларда озиқ-овқат экинлари етиштириш учун ерларни 10 йил муддатга ижарага бериш тизими йўлга қўйилди;

ёшларга бериладиган имтиёзли кредитлар ва лизинг асосида 50 мингдан зиёд енгил конструкцияли замонавий автосервис, маиший хизмат, чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси барпо этилади;

2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Сирдарё ва Навоий вилоятларида, келгуси йили Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ёшлар технопарк-лари барпо этилади;

ёшларнинг энг яхши стартап лойиҳаларини молиялаштиришга бюджетдан 100 миллиард сўм маблаг ажратилди;

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хориждаги ёшларимизга ватанимизга қайтиб ишлаш, ўз бизнесини ташкил этиш, уй-жой шaroитларини яхшилашга ёрдам бериш мақсадида бюджетдан қўшимча 100 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблаг ажратилди;

“Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг фарзандларига олийоҳдаги ўқишининг биринчи йили учун контракт-ни бюджетдан тўлаб бериш тартиби жорий этилади;

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган “Ёшлик” оромгоҳи негизида бутун йил давомида фаолият юритадиган Республика иқтидорли ёшлар оромгоҳи ташкил этилади;

ҳар бир вилоят ва туманларда “Чавандозлар мактаби” фаолияти йўлга қўйилди. Туман, вилоят ва республика миқёсида от спорти мусобақалари, шунингдек, улоқ-қўлқари, чавгон, пойма қабди миллий ўйинлар бўйича қўриқ-мусобақалар ташкил этилади.

Раёсат мажлисида мазкур форумда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган масалалар ижросини таъминлаш ҳамда мажлис кўп тартибидида бошқа масалалар атрофида муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Ўзбекистон Президенти нутқида илгари сурилган барча ташаббуслар Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари давлатларининг янада фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” юқори даражадаги конференциясида илгари сурилган ташаббуслар халқаро сиёсатчилар ва экспертлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Сергей Лавров,
Россия ташқи ишлар вазир:



— Биз ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг ўзаро боғлиқлиги бўйича ташаббусларни илгари суриш бўйича муҳим форумда тўпландик. Россия бу икки минтақанинг деярли

барча мамлакатлари билан жуда яқин алоқага эга. Бугунги кунда уларнинг асарияти билан йўқир инфратузилма, энергетика ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширилди. Биз ҳамкорларимизнинг мазкур соҳалардаги истиқбол режалари қандай эканини билишдан манфаатдоримиз.

Биз бугун, шубҳасиз, амалий лойиҳаларни янада самарали бажаришга ёрдам берадиган қўллаб-ташаббуслар билан танишдик.

Мен Ўзбекистон Президентининг ўзаро боғлиқлик бўйича кўп асприк тарихга асосланган, барча аспрлар давомида тўпланган тажриба ва замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, аниқ харажатларга доир ва энг самарали тарзда амалга оширилиши мумкин бўлган 10 йўналишни қамраб олган сермазмун нутқини алоҳида таъкидлашни истайман. Бу юксак натижаларга эришиш имконини берадиган мукамал йўналишлардир.

Мухтор Тлеуберди,
Қозғогистон Бош вазирининг ўринбосари — ташқи ишлар вазир:

— Минтақа давлатлари раҳбарлари ўртасидаги сермазмун сиёсий мулоқот ва дўстона муносабатлар, шубҳасиз, барча соҳалардаги ҳамкорлигимизнинг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси туфайли Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўртасида фаол сиёсий мулоқот ривожланиб бормоқда ва бу барча бешта давлатнинг минтақавий интеграциясига ёрдам бермоқда.

2018 йили Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан Нур-Султон шаҳрида давлат раҳбарларининг биринчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. 2019 йили эса, мазкур мулоқот Тошкентда ташкил этилди. Шунини таъкидлашни истардимки, Тошкент учрашувида давлатларимиз XXI аср рўҳига йўналтирилган дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаши зарурлиги ҳақидаги тушунчага келинди. Айни кўнларда мазкур ҳужжат лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Давлат раҳбарла-



нутқида Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги муносабатларни тарихдан келиб чиқиб сермазмун шарҳлади, шунингдек, минтақаларо ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларини белгилан берди.

Биз Ўзбекистон раҳбари нутқида илгари сурилган барча ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Улар Марказий Осиёнинг янада гуллаб-яшнаши ва Жанубий Осиё билан ҳамкорлигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишига ишонамиз.

рининг навбатдаги учрашуви 6 август кунини Туркменистонда бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Биз “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси учун Ўзбекистон раҳбариятини табриклашимиз ва Президент Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлигимизни изҳор қиламиз. Мазкур анжуманининг аҳамияти Афғонистондаги бугунги вазиятини назарда тутганимизда, янада ошади.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги муносабатларни тарихдан келиб чиқиб сермазмун шарҳлади, шунингдек, минтақаларо ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларини белгилан берди.

Мавлуд Чавушўғли,
Туркия ташқи ишлар вазир:

— Авваламбор, мазкур конференциянинг ташкил этилиши ўта муҳим аҳамиятга молик эканини айтишни истар эдим. Анжуман Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг ўзига хос қарашларини ифодаси ҳисобланади. Мен Ўзбекистон Президентининг бугунги конференциядаги нутқини жуда диққат билан тингладим. Унда шу кунга қадар Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча илохотларнинг ташаббусқори бўлган ҳурматли Президентнинг икки минтақа марказида жойлашган мамлакатнинг ғоялари, муҳим ва янги ташаббуслари, фикр ва мулоҳазалари ўртага ташланди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида халқларимизнинг улкан тарихий, илмий, маданий-маърифий мероси, аллоамларимиз ва динимиз ҳақида батафсил гапириб ўтди. Мен бундан жуда ҳам faxрландим, қатта таассурот олдим. Шавкат Мирзиёевнинг нутқи мени жуда тўлқинлантириб юборди. Сабаби, бу ҳақиқий етакчига хос нутқ эди. Мен ушбу нутқнинг видеонусхасини олиб, яна бир бор алоҳида ўрганиб чиқаман, албатта. Президент Жаноби Олийларини ҳамда дўст ва биродар Ўзбекистон халқини ушбу мазмунли нутқ ва ажиоби



тарзда ташкил этилган халқаро тадбир билан табриқлайман.

Табиики, бу минтақада долзарб масалалар оз эмас. Таҳдидларнинг асосийси — бу Афғонистондаги ўта жиддий вазиятдир. Минтақада бошқа яна қатор ўзига хос муаммолар мавжуд, бироқ, шу билан бирга, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар ҳам кам эмас. Муаммоларни биргаликда бартараф этишимиз лозим бўлади. Бунинг учун биз ҳамкорликда янги лойиҳаларни

амалга оширишимиз зарур. Бу борада яқиндан ҳамкорлик қилишимиз керак. Бу муаммоларнинг ҳал этилишида, албатта, Ўзбекистон алоҳида ўрин тутайди.

Туркия Ўзбекистон томонидан ўртага ташланган муҳим тақлифларни, минтақаларимиз келажаги, жумладан, ҳудудда тинчлик ва оқойишталикни таъминлаш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишда яқиндан ёрдам беришга тайёрдир. Минтақавий ўзаро боғлиқлик, таҳдидлар ва имкониятлар бора-сидаги ушбу конференция айна мудида ва ўз вақтида ташкил этилган тадбир бўлди.

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

Президент сиёсатининг ўстувор йўналиши

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

25 йил қутилган фурсат

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Орол денгизининг қуриётгани ҳақида бир саҳифалик мақола эълон қилинганди. Чингиз Айтматов раҳбарлигидаги ўз даврининг буюк ёзувчи ва олимлари, жамоат арбоблари ўша мақола орқали мамлакат ва дунё ахлини биринчи бор бу қутилаётган фожиадан огоҳ этганди. У пайтда Орол ҳали бугунгидек ночор ва хароб ҳолга келиб қолмаган, лекин уни шундай аянчли аҳвол қутаётгани маълум эди.

1960 йилларгача Орол дунёнинг тўртта энг йirik ички сув ҳавзаларида бири бўлган. Ҳавзада балиқларнинг ноёб турлари яшаган ва улар ҳаётини олими жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотган. Шунингдек, денгиз атроф-муҳит, иқлим, одамлар ҳамда ҳайвонот дунёси ҳаётига ижобий таъсир кўрсатган. Кейинроқ Орол муаммоси ўша пайтдаги марказий матбуот — Москвадаги нашрларда ҳам тилга олинди. Олимлар вазиятни ўрганиб, ҳақиқатан ҳам, денгизнинг қуриши ёмон оқибатларга олиб келишини, қум ва туз бўронлари минглаб километрларга етиб боришини айтишди. Ушанда айрим олимлар Шимолий муз океанига оқиб ётган Сибир дарёларини Марказий Осиёга буриш гоясини илгари сурди. Ҳатто шу асосида турли лойиҳалар ишлаб чиқилди. Аввалига, канал қазиб олиб келиш таклифи этилди. Кейинроқ бу лойиҳа Сибир ва Қозоғистон табиатини ўзгартириб юборди, шунинг учун сувени ёпиқ қурурлар орқали олиб келиш лозим деган таклифлар илгари сурилди. Лекин бу лойиҳаларни амалга ошириб бўлмади. Рус ёзувчи ва олимлари, зиёлилари бунга тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Ғоя ғоялигича, лойиҳа лойиҳалигича қолиб кетди. Орол эса чекинишга давом этди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида собиқ иттифоқ парчаланиб, мустақил давлатлар пайдо бўлди. Бироқ Орол муаммоси ҳамisha кун тартибида турди. Жумладан 1993 йилнинг январь ойида Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳамкорлигида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси тuzилди. 2008 йилда БМТ ҳамкорлигида Тошкентда “Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари” мавзусида, 2014 йилнинг октябрь ойида Ўрганчида “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорлиқни ривожлантириш” мавзусида халқаро конференциялар ташкил этилди. Хуллас, денгиз фожиаси доимо жамоатчилик диққат марказида турди. Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари мазкур масалада учрашди, қандайдир келишувларга эришилди, қарорлар қабул қилинди. Аммо бу учрашув, келишув ва қарорлар билан денгиз тўлиб ҳам қолмади, унинг дарди ҳам енгилашмади. Шундай ҳолатда салкам 25 йилдан кўпроқ яшадик. Ваҳоланки, шунча йилдан буён денгиз тубидан йилгига миллионлаб тонна қумли ва тузли чанг-тўзонлар ҳавога кўтарилиб, булутлар билан аралашиб, минглаб километрларгача етиб борди.

Тўғри, денгизни яна сувга тўлдириб бу жуда мураккаб масала, аянам аникроқ айтидиган бўлсак, бажариб бўлмайдиган юмуш. Лекин бир пайтлар қуриган денгиз бўйида яшаган халқни, аҳолини ижтимоий ҳамма қилиш, уларнинг одамга ўхшаб ҳаёт кечириши учун шароит яратиш мумкин эди-ку. Эллик йиллар олдин ҳаёт қайнаган, денгиз тўлкинлари қирғоқларини ювиб турган Мўйноқ шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлар ўлик ҳудудга айланиш арафасига келиб қолган, одамлар уйларини ташлаб кета бошлаганди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентликка сайланган кундан бошлаб ушбу муаммони ҳал этишга киришди.Чунки бу Орол бўйида яшаётган халқнинг дарди, ташвиши, керак бўлса фожиаси эди. Биринчи навбатда, сув чекиниб саҳрога айланган ерларга қўлбop экинлар экиш бошланди. 2018-2020 йиллар баҳор мавсумида жами 1,6 миллион гектар “яшил қопламалар” барпо этиш ишлари амалга оширилди.

Соҳа олимларининг таъкидлашича, Оролбўйи ҳудудида экилган 2 йиллик саксовулзорлар шамол таъсирида қум кучишини 20 фоиз, 5 йиллик саксовулзорлар 80 фоиз, 7 йиллик саксовулзорлар эса тўлиқ тўхтатар экан. Натижада ҳудудда иқлим мўътадиллашди, қумлар ва тузларнинг ҳавога кўтарилиши тўхтади. Ўнг муҳими, одамларнинг яшashi учун ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлашади.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги “Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, 2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури қабул қилиниши оролбўйи аҳолиси ҳаётини ўзгартиришда муҳим қадам бўлди. Дастурда туманда 2019-2021 йилларда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Кейинги уч-тўрт йил ичида Мўйноқ шаҳри, унинг атрофидаги қишлоқ ва овуллар таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бугун шаҳарга келган киши хайратдан ёқа ушлаётгани ҳам бор ҳақиқат. Йўллар асфальтланди, кўпплаб ижтимоий маданий бинолар қад ростлади. Завод ва фабрикалар, тўқимачилик комбинатлари барпо этилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Ёнг муҳими, келажагига ишонмай Мўйноқни ташлаб кетган аҳоли уйига қайта бошлади. Президентимиз 2019 йилнинг август ойида Қорақалпоғистонга борганда Мўйноқ ҳақида бундай деганди: — Мўйноқдаги ўзгаришларни, сизларнинг кўзларингиздаги розилиқни кўриб жуда хурсандман. Бу — узоқ-узоқ ҳудудларга бориб қилаётган ишларимиз натижаси. Агар қимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин.

Ўқоридагилардан битта хулосага келиш мумкин. Ўтган асрнинг 60-йилларида бошланган Орол муаммосини ҳал этиш учун шўролар даврида ҳам, мустақиллик йилларининг дастлабки 25 йилда ҳам кўплаб гаплар айтилган бўлса-да, деярли жиддий иш қилинмади. Фақат сўнгги йиллардагина денгиз ва унинг атрофидаги фожиага реал баҳо берилди ва муаммолар бирин-кетин ҳал этиляпти. Орол сувга тўлмас, лекин бугун бу заминда яшаётган одамлар эртанги кунига ишонч билан қараяпти, уларнинг келажақдан умиди катта. Ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам шу-ку, ахир.

Фуқаролик шарафи

Яқинда Сирдарё вилоятида истикомат қиладиган бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим. Ўзини Майрам Кенжабоева деб таништурган аёл 1992 йилнинг охирида Тожикистондан Ўзбекистонга кўчиб келган экан.

“Янгиер шаҳрида яшайман, — дейди М. Кенжабоева. — Икки ўғлим ва бир қизим бор. Отам асли зоминлик. Ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида тақдир тақозоси билан Тожикистоннинг Шахристон туманига бориб қолган. Биз оилада 10 фарзанд эдик. Катта олам ва акам Зоминда, қолган ака-укалар Тожикистонда туғилганмиз. Биз туғилиб, катта бўлган қишлоғимизда ҳозир битта акам ота-онанинг чирогини ёқиб ўтирибди. Қолган фарзандлар барчамиз Ўзбекистонда яшаймиз. Фуқаролигим бўлмагани учун 27 йил туғилиб ўсган қишлоғимга бора олмадим. Отам Боевут туманининг Қарабчи маҳалласидаги қабристонга дафн этилган, онамнинг қабри Тожикистондаги қишлоғимизда. Туғилиб ўсган юртимни, онамнинг қабрини зиёрат қилишни шунча йил кутдим.

Ўтган йилнинг декабрида Ўзбекистон фуқароси бўлдим. Мендан кейин фарзандларимни ҳам фуқароликка қабул қилишди. Хуллас, бугун қувончим чексиз. Энди киндик қоним тўкилган юртга бемалол бориб келиш имкониятига эгаман. Бу имкониятларни яратиб бергани учун Президентимиздан миннатдорман”.

Собиқ шўролар империясининг емирилиши миллионлаб одамлар тақдирини ўзгартириб юборди. Кимдир ўзи истаманган ҳолда бошқа республикаларда қолиб кетди. Чегаралар ёпилгач эса улар учун юртидан, яқинларидан бутунлай ажралиб қолиш хавфи пайдо бўлди. Шу боис, тақдир тақозоси билан бошқа республикаларда яшаб, ишлаб юрган юртдошларимиз ўзининг, фарзандларининг келажагини ўйлаб юртга қайтди. Лекин уларнинг мамлакат фуқаролигини олиши узоқ йилларга чўзилди.

Давр нафаси



Хўш, фуқаролик нима ўзи? Нима учун одамлар ўзи яшаётган мамлакатнинг фуқароси бўлишни истайди? Менинг назаримда фуқаролик инсоннинг шу давлат, шу жамиятга тўлақонли мансуб эканининг белгиси ҳамда унинг ҳуқуқ ва эркинлиги, барча имконият ва шароитлардан тўлиқ фойдаланиш кафолати. Маълумотларга қараганда, Марказий Осиёдаги фуқаролиги йўқ одамларнинг катта қисми Ўзбекистонда яшайди. Улар шунча йилдан буён фуқаро бўлишни орзу қилиб келди. Лекин...

Албатта, фуқаро бўлмасдан ҳам яшаш мумкин. Минглаб одамлар мамлакатимизда узоқ йиллар шундай яшадилар. Лекин фуқаролиги йўқ одам ҳудди камситилгандек ҳис этади ўзини. Уларнинг бошқа мамлакатларга кириб-чиқишида ҳам чекловлар бор. Фуқаролиги йўқ инсон эртасига, келажагига ишонмай, бир кун келиб, мени мамлакатдан чиқариб юборса нима қиламан, қаерга бораман деган ҳадик билан яшайди. Шунинг учун баъзан ишига совуққонроқ қарайди. Бирор ишга астойдил киришмайди.

Тўғри, фуқароликка қабул қилишда жуда эҳтиёткор бўлиш керак. Чунки шахс фуқароликка қабул қилинганидан кейин у Ўзбекистон фуқароси учун белгиланган барча — сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, давлат хавфсизлиги, ички ишлар, прокуратура, ҳарбий хизмат, давлат бошқарув органларида ишлаш ҳуқуқларига эга бўлади. Демак, биз Конституцияга амал қиладиган, Ўзбекистон давлатчилиги қонунларини сўзсиз бажарадиган ва тан оладиган шахсларни фуқароликка қабул қилишимиз керак.

Бирок бизда шу юртда туғилиб, бирор сабаб билан қўшни республикада яшаган, истиқлолдан кейин ватанига қайтган инсонлар ҳам, Ўзбекистон фуқароси билан турмуш қуриб, 20-25 йил яшаётган, шу ерда бола-чақали бўлган, келажагини мамлакатимиздaс тасаввур қилолмайдиган инсонларга ҳам фуқаролик берилмади. Кейинги йиллар матбуотини кузатиб шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон фуқароси бўлишни орзу қилганлар орасида 70-80 ёшли кексалар, иктидорли олимлар, иходкорлар, ўқитувчилар, зиёлилар бўлган. Улар фуқаролиги бўлмаса-да, шу юрт истиқболи, келажаги учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр. Лекин уларга ҳам ҳамisha рад жавоб берилган. Бунинг сабабини масъуллардан сўрасангиз, сизга турли баҳоналарни топиб беради. Аслида эса бирор-бир кишининг фуқароликка қабул қилиниши давлат ва жамиятнинг ўша одамга нисбатан ишончи ва ҳурматининг ифодасидир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда фуқаролик олиш энг бахсли, ақсар ҳолларда ёпиқ мавзудардан бири бўлиб келди. Маълумотларга кўра, 1991 йилдан 2016 йилга қадар мамлакатимизда жами 482 нафаргина шахс фуқароликка қабул қилинган. Уларнинг кўпчилигини спортчилар ташкил этган. Чунки улар йирик мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган. Бу эса амалда кўпплаб инсонлар Ўзбекистонда яшаб, унинг тарақиётига ҳисса қўшиб келаётган бўлса-да, юридик жиҳатдан ҳуқуқлардан маҳрум эканига сабаб бўлган.

Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайлангандан кейингина бу масала очикланди. Чин дилдан Ўзбекистон учун хизмат қилишга тайёр, ўзини шу мамлакатсиз тасаввур қила олмайдиган инсонларга бирин-кетин фуқаролик берила бошланди. ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси маълумотларига қараганда, 2016 йида 179 нафар, 2017 йида 1064 нафар, 2018 йида 2760 нафар, 2019 йида 6318 нафар, 2020 йида эса 8310 нафар киши Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, шу пайтга қадар фуқароликка кам одам қабул қилинишига қўшни давлатлардаги нотинчлик, 1992 йида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг номукаммаллиги ҳам сабаб бўлган. Шу боис, мазкур қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва 2020 йил 13 мартда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

Айтиш керакки, янги қонун билан фуқароликка қабул қилиш тамойиллари эркинлаштирилди, ҳужжатда либерал моддалар қўлайиб, бюрократик нормалар камайдди. Ёнг муҳим янгилик, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон ҳудудига кириб келган ва доимий прописакдан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда мазкур қонун қучга киргунига қадар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон фуқароси деб тан олинishi қайд этиб қўйилди.

БМТнинг Қочқинлар иши бўйича Олий комиссарлиги мазкур қонуннинг қабул қилинганини олқишлады. Олий комиссарлиқнинг билдирishiча, ушбу қонун юртимизда яшаётган, аммо фуқароликка эга

бўлмаган камида 50 минг кишига фуқаролик берилиши учун имконият яратади.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида:

2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ва бошқа давлат фуқаролигини қабул қилмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз 15 йил давомида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда туриб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси ёки идентификация ИД-картаси асосида яшаб турган ва чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олишни таклиф этди.

Таклиф этилган ўзгаришлар натижасида 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган тахминан 20 минг нафарга яқин фуқаролиги бўлмаган шахслар истак билдирган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади. Бу дегани шунча оилга шодлик, қувонч кириб келади, ҳеч нарсадан ҳадиксирмай яшаш, шу юрт фуқароси сифатида кўпплаб имтиёзлардан фойдаланиш имкони берилади.

Бажарса бўлар экан-ку...

2013-2015 йиллар пахта терими мавсумида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ходимлари таркибида Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида вақил бўлганмиз. Ўша пайтда қўмитанинг “Бизнес-daily медиа” ноширлик уйида ишлардим. Биз қўмита тузилмасининг вакили сифатида барча ишларга жалб этилардик.



Қўмитага пахта терими пайтида вилоятнинг Гулистон ва Сайхунобод туманлари бириктириларди. 10-15 киши Сайхунобод, 10-15 киши Гулистон туманида икки ойлаб қолди кетардик. Қиладиган ишмиз аҳолини пахта теримига жалб этиш, уларга иш ҳақи ва мукофотлар тўланишини назорат қилиш эди. Лекин пули ўз вақтида берилмаслиги туфайли аҳолининг қўнчилиги ўз хоҳиши билан теримга чиқмас, эрталаб кўчама-кўча, уйма-уй юриб, худди шўролар даври раислари каби бақириб одамларни пахтага қорлардик. Баъзан теримчилар чикса, уларни пахтагача олиб борадиган транспорт топилмасди. Туман ҳокимига, прокурорига ёки ички ишлар бўлими бошлигига кўнироқ қилиб машина топишда ёрдам сўрадик. Улар кўчада кира қилиб юрган автобус ёки “Дамас”ларни мажбурлаб бизга жўнатарди.

Айрим пайтларда транспорт йўқлигидан минг илтимос билан пахта теримига жалб этилган аёллар уйларига қайтиб кетиб қоларди. Баъзан эса олти-еттитадан теримчини ўзимизнинг хизмат машинамизга миндириб далага олиб борардик. Кечкурун уйга қайтишда ҳам шундай ҳолат такрорланарди.

Бундан ташқари, худди шўролар давридаги каби вилоят миқёсидаги барча ташкилотлар ёпилиб, пахта теримига жалб этиларди. Ёнг ачинарлиси, туманларда уларни жойлаштиришга жой бўлмасди. Айрим теримчилар маҳаллий аҳоли уйларидадан бирор хонани ижарага олиб пул тўларди. Мантиқсизлиқни қаранг. Пахта теришга ёрдамга келган, лекин ётишга жой йўқ. Ётoғига ўз ҳисобидан пул тўлаб, пахта теришга мажбур. Жой йўқ, пахта теримига бормайман деса, ягона тирижчилик манбаи — ишидан ажралади.

Ёсингизда бўлса, шўролар даврида ҳар бир бригаданинг дала шийпони бор эди. Ёрдамчи теримчилар эса ўша шийпонага жойлаштирилларди. Биз ҳам талабалик давримизда шу шийпонларда ётиб йилнинг декабрь ойигача пахта терганмиз.



Мамлакатимиз мустақил бўлгач хусусийлаштириш бошланди. Назоратнинг йўқлиги, бошбошдоклик туфайли хўжаликларнинг трактор, комбайн, сеялка, хуллас, барча техникаси қўшни республикаларга арзон-гаров сотиб юборилди. Дала шийпонлари эса бузиб сотилди. Натижаси эса маълум...

Пахта сиёсати пойтахтда ҳам ўзининг ақ садосини берарди. Ўқитувчилар, шифокорлар, давлат ташкилотлари ишчилари хашарга “жалб этиларди”. Имкони йўқлар маълум миқдорда пул тўларди. Шу баҳонада бюджет ташкилотлари ишчиларидан, тадбиркорлардан миллиардлаб сўм пул йиғиб олинарди. Лекин у пул қаерга сарфланганига ҳозиргача ақлим етмайди. Демокчимак, икки-уч миллион тонна пахтини териб олиш учун бутун мамлакат аҳолиси икки-уч ой сарсон бўларди.

Бунинг устида мажбурий меҳнат, болалар меҳнатидан фойдаланилди деган тамгалар билан мамлакатимиз обрўси ерга урилар, пахтаимзини ҳаётан бозориди сотилишига тўсқинлик қилинарди. Бу шўролар давридан қолган одат мен юқорида эсланган уч йилда эмас, узоқ йиллар давом этди. Ҳозир ҳисоблаб кўрсак, бутун мамлакат аҳолисини икки-уч ой сарсон қилган, асабига теккан, минглаб одамларнинг инфаркт, инсулт касаллигига чалинишига сабабчи бўлган пахтадан кўрадиган фойдаиш бир-икки миллиард доллар атрофида экан. Шу пайтда бирор одам пахта териши етиштирганларга қўлиб берайлик, асабига теккан, минглаб одамлар ўзи териб олади, демаганига ҳали ҳам ҳайрон қоламан.

Бир яқин танишим Жўззах шахрида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Илгари ўқув йили бошланиши билан пахтага тайёргарлик қиришни бошларди. Баъзан телефон қилиб, бирор тадбир қилсангиз пахта мавсумидан кейинга мўлжалланг, бўлмаса биз катнаша олмаймиз дерди. Шундай яшаш, шундай билдиш одамлар ҳаёт тарзига айланиб қолганди.

Кейинги уч-тўрт йилда бирдан вазият ўзгарди. Аввал мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари бутунлай пахта теримидан озод қилинди. Кейин бошқа бюджет ташкилотлар ишчилари ҳам пахта теримига жалб этилмай қўйилди. Фермер хўжаликларининг кўпи кластерларга бириктирилиб, пахтини ўзлари териб оладиган бўлди. Салкам ўтган асрнинг ўрталаридан буён аҳолини қийнаб келган муаммо бир-икки йилда ҳал этилди. Бутун пахта мавсумида туманларга борсангиз, пахта теримининг ваҳимаси умуман йўқ. Гўё пахта экилмаган, шу боис, терилмаяпти. Ваҳоланки, ҳозир ҳам салкам уч миллион тоннага яқин пахта хирмони уйилляпти. Лекин унга ишсиз аҳоли жалб этиляпти. Иш ҳақи, мукофотлари ўз вақтида берилаётгани туфайли ҳеч қандай ортикча гапларсиз териб олияпти.

Баъзан ўйляниб қолсан, наҳотки, икки-уч йилда ҳал қилиш мумкин бўлган муаммо 50-60 йиллаб ҳал қилинмай келинди. Бунинг сабаби нима? Ҳафсаласизлиқми? Ўзибўларчилиқми? Янгиликни интилимаслиқми? Балки коррупциядир? Болаларни, аёлларни, бюджет ташкилотлари ходимларини пахта теримига жалб этиш орқали балки миллиардлаб сўм маблағлар ўзлаштирилгандир.

Дунёда пахта етиштирадиган мамлакатлар кўп. Наҳотки уларнинг тахрибасини ўрганмадик, улар пахтини қандай териб олиши билан қизиқмадик. Билишимча, Ливерпуль пахта бозорига болалар меҳнатидан фойдаланади деб бизнинг толамизни сотишга рухсат беришмасди. Бошқа давлатларга нисбатан бундан санкция қўлланилмасди. Демак, фақат бизда аҳвол шундай бўлган. Лекин масъуллар муаммони ҳал этишни ўйлашмаган.

Президент Шавкат Мирзиёев саёй-ҳаракати билан асрлар давомида аҳолини қийнаб келган муаммо тезда ечим топди. Шундай эмасми?..

Ҳар қандай мамлакатнинг ободлиги, халқининг фаровонлиги шу юртда яшаётган одамларга, уларнинг йўлбошчиларига боглик. Биз юқорида юртимизда узоқ йиллар давомида ечимини топмай, кейинги уч-тўрт йилда бутунлай ҳал этилган учта соҳадаги ўзгаришлар ҳақида қисқача тўхталдик. Ўзтибор берсангиз, бу уч соҳадаги муаммо ҳақида доимо гапириб келинган, лекин реал иш қилинмаган. Демокчимизки, сўз ва иш бирлиги етишмаган.

Шавкат Мирзиёев эса сўзи ва иш бири, халқпарвар, адолатпарвар, шу юрт, шу эл манфаати учун ҳар қандай ишни қилишга тайёр фидойий раҳбар. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда жуда қисқа фурсатда ислохотлар бўй кўрсатди, катта ўзгаришлар рўй берди, одамлар бугунидан рози бўлиб, эртасига ишониб ашай бошлади. Шунинг учун ҳам янги Ўзбекистонни дунё танимоқда, эътироф этмоқда.



Бундан бир неча йил олдин “инновация” сўзи кўпчилик юртдошларимиз учун нотаниш тўшунча бўлиб, бу атама ахён-ахёнда қўлланилар эди. Аммо кўп ўтмай янги Ўзбекистонда ислохотлар ривожлана бошлагач, замонавий технологиялар ва билимлар сабаб бугун “инновация” луғатимиздаги асосий сўзлардан бирига айланди.

Хозирги дунёда инновацион тараққиёт моделлари жорий этиш, илгор гоёлар, “ноу-хау” ва “акли” технологияларни экспорт қилиш ҳисобидан тез суръатларда ривожланаётган давлатлар сон тобора ортиб борапти. Тан олишимиз керак, илгари мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилган ишлар қонқарли бўлмади. Шу боис, давлатимиз раҳбари Президентлик лавозимига киришган дастлабки йиллардан оқ бу йўлдаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қатъий чоғланди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Инновация — бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни айнан инновацион гоёлар асосида бошлашимиз керак. Инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиёт йўлига ўтишимиз бежиз эмас. Чўнки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда қим ютади? Янги фикр, янги гоёга, инновацияга таянган давлат ютади”.

Бу сўзлар амалда ҳам ўз исботини топа бошлади. Ҳаракатлар стратегиясида айнан инновациялар масаласига алоҳида урғу берилди. Хусусан,

Вазирликда ёшларга яратилган шароитларни кўрсатиш учун биргина менинг талабалик давримдаги ва ҳозирги ёшларга берилаётган имкониятларни таққослашнинг ўзи кифоя. Биз олий ўқув юртида тахсил олган кезларимиз грантларни қўлга киритиш жуда қийин эди. Ҳатто, уларнинг турлари

танловлар ташкил этилган? Бугун бу ишлар одатий ҳолга айланди. Ёшлар “Startup”, “Technoways” сингари йирик технологик ривожланиш марафонларида ўз иқтидор ва имкониятларини намойён этяпти. Грантлар ғолибига айланиб, ишланмаларини фойдаланишлари қўлга киритишлари мумкин.

Ана шундай йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги қўшида биринчилардан бўлиб “Ёшлар академияси” ташкил этилди. Тузилма қисқа вақтда иқтидорли ёшлар, талабалар ҳамда 40 ёшгача бўлган олимлар ва тадбиркорларни бирлаштирадиган, уларни ҳар томонлама рағбатлантирадиган майдонга айланди.

Академияга ўз жамоаси, илмий ишланмаси, гоё ёки стартап лойиҳаларига эга 40 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Ёш иштирокчилар бу ерда “Гоёлар генераторлари”, “Стартаплар”, “Бизнес вакиллари” ҳамда “Бўлажак академиклари” каби 4 та платформадан бирида фаолият юритиши мумкин.

Айни пайтда Ёшлар академиясининг 2 мингга яқин аъзоси бор. Улар геология, математика, физика, қишлоқ хўжалиги, қимё саноти, соғлиқни сақлаш, таълим, сунъий интеллект, робототехника ва меҳатроника, дастурлаш, 3D моделлаштириш ва бошқа йўналишларда ўз лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда. Аъзолар орасида инновацион ва амалий ишланмаларини ҳаётга таъбиқ этиб, муайян соҳа ривожига ҳисса қўшаётган фаол ва ташаббускор жамоалар кўпчиликини ташкил этади.

Бугун улар томонидан ишлаб чиқилган қўллаб-қувватлаш ҳаётимизга муваффақиятли жорий этилмоқда. Айни пайтда турли соҳаларда фойдаланилаётган, тўғма қўлсиз ёки ҳаёти давомида қўли ампутиацияга учраган ногиронлар учун бионик протезлар, ўпкани тўғма шомоллатиш аппаратлари учун махсус оксигенация никоблари, қийимлар, болалар уйинчоқлари ва бошқа уй-рўзгор буюмларидаги бактерия ва ҳидларни бартараф этишга мўлжалланган “CleanBox” қурилмаси, автомобиллар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Carwon smart security system” мобил иловаси, майиш чийиндилар асосида сунъий углеродлаштирилган материал олиш қурилмаси,

рангли металл буюмлар қўйиш учун вакуум асосида ишлайдиган “Хумо С1” ускунаси, “Sky project” виртуал парашют симулятори ва бошқа бир қанча иштироқлар ўзбек йигит-қизлари, хусусан, “Ёшлар академияси” аъзолари томонидан яратилгани бизни қувонтиради.

Хозирги кунда республикамизнинг ҳар бир вилоятида академиянинг етакчиси сайланиб, иқтидорли ёшлар жамоалари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар саралаб олинляпти. Утган қисқа вақт ичида ана шундай йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, академия аъзоларини рағбатлантириш, истиқболли ишланмаларга эга ёшларга мотивация бериш мақсадида бир қатор йўналишларда амалий, инновацион ва стартап лойиҳалар танловлари ўтказиб келинапти.

Айниқса, Президентимизнинг жорий йил апрель ойидаги қарори билан ташкил этилган “Бўлажак олим” танлови доирасида ёшларнинг энг яхши инновацион ҳамда стартап лойиҳаларига 50 миллиард сўм маблағ йўналиштирилиши йигит-қизлар учун катта имконият бўлди.

“Ёшлар академияси” томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ақсарияти ҳудудларда уйил-қизларнинг интеллектуал, илмий, иқидорли салоҳиятини ошириш, уларни жамиятда олиб борилаётган ислохотларнинг фаол етакчиларига айлантиришга қаратилган. Ана шу мақсадда ҳукумат қарори билан бугун республикамнинг ҳар бир ҳудудида босқичма-босқич Ёшлар технопарклари ташкил этиляпти. Чекка ҳудудларда истиқомат қиладиган йигит-қизларни мамлакатимиз ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳа ва йўналишлар бўйича ўқитишга қаратилган “Технобўс” инновацион таълим автобуси фаолияти йўлга қўйилди.

Шу ўринда, Инновациялар миллий офиси фаолияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталасан. Маълумки, инновацияларни яратгандан кўра, уни жорий этиш анча қийин кечади. Биз Инновациялар миллий офисида бевосита ана шу жараён билан шўғуланамиз. Ёшларга ўз ишланмаларини қандай тақдим этиши ва қандай қўшимчалар қилиши, уни муқаммал даражага олиб чиқиш бўйича йўналиш ҳамда кўрсатмалар бериб борамиз.

фойдаланилади. Шу сабабли, унга эҳтиёж жаҳон бозорига жуда юқори. Бугунги кунда тоза кремний олишининг доминант технологияси хлорли усулларга асосланган. Бозор талабини қондириш учун компаниялар катта ҳажмда кремний ишлаб чиқаради. Атроф-муҳитга зарар келтирадиган бундай технология ривожланган давлатлар экологик сисёати сабабли қўшимча солиқ ва чекловларга дучор бўлади. Шу боис, хлорсиз муқобил технология яратиш масаласи нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида ҳам жуда долзарб эди. Технологимиз металлургик кремнийнинг этил спирти билан катализатор муҳитида тўғридан-тўғри реакциясига асосланган бўлиб, экологик хавфсизлиги билан ажралади туради. Қўлаверса, мамлакатимиз санотига юқори сифатли поликристалл кремний етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Рустам Ашуров айни пайтда Навоий кон-металлургия комбинати мутахассислари билан бирга металлургик рений олиш технологияси устида ишламоқда.

Бугунги кунда комбинат уран қазиб олишда ёндўш маҳсулот сифатида перренат аммонийни ҳам синтез қиладди, — дейди ёш олим. — Бу модда тарихида рений микдори 69 фоиздан ошмади. Бизнинг технологиямиз эса перренат аммонийдан металлургик рений-ни плазма ёрдамида ажратиб олишга қаратилган. Мазкур технология яқини маҳсулот таркибида рений микдорини 99,99 фоизгача ошириш имконини беради. Бугун жаҳон олдин зорида ушбу тозаланидиган металлургик рений нархи комбинат ишлаб чиқараётган перренат аммоний нархидан 3-4 баробар қиммат. Ушбу технология ҳозир Навоий кон-металлургия комбинатида синовдан ўтказилмоқда.

Ўрни келганда айтиш жоизки, рений дунёда кам учрайдиган металллардан бири. Шу боис, унинг нархи жуда қиммат. Ундан нефть қимис санотига, электрон қурилмалар ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Перренат аммонийдан металлургик рений ажратиб олишининг аънанавий усулида икки босқичли юқори ҳароратли жараён қўлланади, — дея давом этади ёш тадқиқотчи. — Шу сабабли технологик циклнинг

давомийлик вақти ва энергия сарфи юқори бўлади. Бундан ташқари, жараёнинг асосий реагенти бўлиш тоза водород ҳам кўп микдорда сарфланади. Биз тақийл этаётган технологиянинг афзаллиги — жараён водород плазмаси воситасида олиб борилади. Махсус конструкция туфайли жараён бир босқичда кечади ҳамда давомийлиги 8 соатдан 2 соатгача қисқаради. Шунингдек, жараёнда қўлланидиган 850 даражаги ҳарорат 400 даражагача туширилади. Демак, биринчидан, вақт тежаллади, иккинчидан, аънанавий технологияга нисбатан энергия сарфи камаяди. Айтиш жоизки, мамлакатимиз саноти учун металлургик рений олишда бу технологиядан фойдаланиш самара беради.

Ўрта асрларда, бугунгидек шароит ва имконият бўлмаган пайтларда ота-боболаримиз катта илмий янгилликлар, кашфиётлар, иштироқлар қилган. У даврларда қўнча заманимиз илм-фан марказларидан, тамаддун бешикларидан бири бўлган. Уларнинг илмий асарлари асрлар давомида Европа университетларида ўқув қўлланма сифатида ўқитилган. Ишонч билан айтманки, Президентимизнинг кейинги йилларда илм-фанга, таълимга қаратаётган эътибори туфайли бугун бизда янги авлод фарғонийлари етишиб чиқиши учун шароит ҳам, имконият ҳам, илмий салоҳият ҳам етарли. Бунинг учун биз, ёш олимлар мавжуд шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда, дунё илм намоёндалари билан ҳамқадам бўлишимиз, керак бўлса, улардан олдин юришга ҳаракат қилишимиз, илм-фанда янги кашфиётлар қилишга интилишимиз лозим. Шундагина биз буюк ота-боболаримизга муносиб авлод бўла оламиз.

Давлатимиз раҳбари Ёшлар кўнига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида қўллаб-қувватлаётган машҳур илмий кашфиётларни, улмас асарларини ёшлиқда яратганини, бугун ёшларнинг ота-боболаримизга муносиб авлод бўлиши учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Рустам Ашуровга ўхшаган ёш олимлар амалга ошираётган илмий изланишлар, янгилликларни қўриб, келажакда янги авлод берунийлари, фарғонийлари етишиб чиқишга ишонч янада ортади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлхазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақланган. Газетанинг полиграфик хизматдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси — 236. Буюртма — 2304.** 76851 нусxada босилди. **Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.** Баҳорис келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева Мусахҳис: Малухат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбўтчилик кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 01:55 Топтирилди — 03:30